## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 823-ҳадис

823 – عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَخَّصَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ للزُّبَيرِ وَعَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ فِي لُبْسِ الْحَرِيرِ؛ لِحِكَّةٍ بِهِمَا. مُتَّفَقٌ عَلَيهِ [خ 2922، م 2076].

823. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зубайр билан Абдурраҳмон ибн Авфларда қичима сабабли ипак кийишга рухсат берганлар».

*Муттафақун алайҳ.*

**Шарҳ:** Бу ривоятда умумий ҳукмдан ташқари истисно тариқасида, эркак кишиларга ипак кийиш мумкин бўлган ҳолатлардан бири ҳақида сўз кетмоқда. Эркак киши ушбу ривоятда зикр қилинган Абдурраҳмон ибн Авф ва Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳумога ўхшаб қичима ёки шунга ўхшаш кийимга боғлиқ хасталикка чалиниб қолса, тиббий мақсадда, истисно тариқасида, ипак кийим кийса бўлар экан.

Манба: hadis.islom.uz